

**“Давсувхўжаликназорат” давлат инспекциясининг 2022 йил якунлари  
бўйича бажарилган ишлари тўғрисида  
МАЪЛУМОТНОМА**

“Давсувхўжаликназорат” давлат инспекцияси 2022 йил давомида иш фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 августдаги 525-сон қарори билан берилган вазифалари ҳамда инспекциянинг иш дастурлари ва режалари асосида олиб борилди.

Хавф даражаси юқори бўлган гидротехника иншоотларининг техник ҳолатини, ишончлилигини ҳамда уларнинг бехатар ишлашини таъминлаш бўйича инспекторлик текширув ишлари олиб борилди. Иншоотларни техник ҳолатини текшириш давомида фойдаланиш ташкилотларига **1293 та** масала ва камчиликлардан иборат **251 та** кўрсатма берилди ва уларни бажарилиши назоратга олинди.

Инспекциянинг диагностика ишлари режасига кўра жорий йилда **16 та** хавф даражаси юқори бўлган гидротехника иншоотларида махсус диагностика ишлари амалга оширилди. Ушбу диагностика ишлари натижалари бўйича ҳисоботлар фойдаланувчи ташкилотларга тақдим этилди.

Жами **28 та** гидротехника иншоотларнинг хавфсизлик декларациялари Эксперт кенгашининг йиғилишида кўриб чиқилди. Жумладан **25 та** гидротехника иншоотларнинг хавфсизлик декларациялари белгиланган муддатларга тасдиқланди. **3 та** гидротехника иншоотларида аниқланган камчиликлар иншоотларнинг техник ҳолатига таъсири юқори бўлганлиги учун эксперт кенгаши аъзолари томонидан эътироз билдирилиб, хавфсизлик декларациялар тасдиқланмасдан қайтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Тошқинга қарши ҳукумат комиссиясининг 2022 йил 28 январдаги “2022 йилда тошқин сувлари ва сел оқимларини сув оқимлари бўйлаб барқарор ва хавфсиз ўтказиб юборишни таъминлаш бўйича Йиғма манзилли дастурларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тўғрисида”ги 1-сон баёнида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири - Тошқинга қарши Ҳукумат комиссияси раисининг 2022 йил 14 мартдаги “Республика аҳолисини ва ҳудудларини тошқин сувлари, сел оқимлари ва кўчки ҳодисалари хавфи билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2021 йилда амалга оширилган ишлар ва 2022 йилдаги устивор вазифалар тўғрисида”ги 2-сонли баёнида белгиланган вазифаларни бажарилиши инспекциянинг ҳудудий инспекторлар томонидан доимий назорат қилинди.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, “Давсувхўжаликназорат” ДИ, Саноат хавфсизлиги ДҚ, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ мутахасислари иштирокида тузилган ишчи гуруҳи томонидан жорий йилнинг 29 июнидан 15 июлгача Республикамиздаги **42 та** сув омборлари ва **39 та** гидроэлектростанцияларнинг барқарор ва хавфсиз ишлаши ўрганиб чиқилди ва далолатнома расмийлаштирилиб чора-тадбир белгиланди.